

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАУФОВ ОДИЛ АБДИХАМИТОВИЧ

**ВИДЕОКУЗАТУВ ТИЗИМЛАРИДА ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАР
ТАСВИРЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – «Информатиканинг назарий асослари»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мамарауфов Одил Абдихамитович

Видеокузатув тизимларида динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш
усул ва алгоритмлари..... 5

Мамарауфов Одил Абдихамитович

Методы и алгоритмы обработки изображений динамических объектов
системы видеонаблюдения..... 21

Mamaraufov Odil Abdikhamitovich

Methods and algorithms for image processing of dynamic objects of video
surveillance system 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАУФОВ ОДИЛ АБДИХАМИТОВИЧ

**ВИДЕОКУЗАТУВ ТИЗИМЛАРИДА ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАР
ТАСВИРЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – «Информатиканинг назарий асослари»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/T507 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Фозилов Шавкат Хайруллаевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қобулов Анвар Василович техника фанлари доктори, профессор Мирзамов Акмал Махмуджанович техника фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «22» декабрь соат 11-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2563 рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «7» декабрь куни тарқатилди.
(2018 йил «16» ноябрдаги 14 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

О.Ж.Бабомурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тасвирларни компьютерли таҳлил қилиш ва уларга ишлов бериш, тимсолларни таниб олиш масалаларига ҳамда уларнинг ечимларини амалий жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Видеокузатув тизимлар соҳасидаги экспертлар «оператор 12 минут узлуксиз видеокузатувдан сўнг кузатув майдонида 45%гача фаол объектларни, 22 минут кузатувдан кейин эса 95%гача эътибордан четда қолади»¹ деб ҳисоблайдилар. Шу жиҳатдан видеокузатувда динамик объектлар тасвирларини автоматлаштирилган қайта ишлашнинг янги усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд видеокузатув тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўпкина хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Канада, Англия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда тасвирларни таққослаш, объектларда муҳим белгиларни аниқлаш ва машинали ўқитиш моделларидан фойдаланиб интеллектуал видеокузатув тизимларни ишлаб чиқиш муаммоларини ечиш катта аҳамият касб этади.

Жаҳонда видеокузатув тизимларидаги тасвирларни автоматлаштирилган қайта ишлаш модел ва алгоритмларини такомиллаштириш ҳамда динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш алгоритмларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан тасвирларга ишлов бериш, динамик объектларни ажратиш, таниб олиш, уларни кузатиб бориш ва кузатув майдонидаги вазиятларни англаш имконини берадиган замонавий усуллар ҳамда ахборот технологиялари воситалари асосида видеокузатувда динамик объектлар тасвирларини қайта ишлашнинг тезкор алгоритмларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда мазкур йўналишда тасвирларни сақлаш, қайта ишлаш ва интеллектуал таҳлил қилишга мўлжалланган автоматлаштирилган тизимларни яратиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, ...иктисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан йўл ҳаракати хавфсизлиги ва кенг кўламли видеокузатув мониторингида тасвирларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда автоматлаштирилган видеокузатув тизимларини такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ http://integrated-solutions.nl/DLB/CBC/Video_Analytics_CBC.pdf

² Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тўғрисида»ги Фармони ва 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг реал секторига янада жорий қилиш тўғрисида»ги, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тасвирларда объектларни сегментлаш, белгиларини ажратиш ва таниб олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш масалаларига Б.К.Хорн, Д.А.Форсайт, У.К.Прэтт, И.С.Грузман, Р.С.Гонсалес, Р.Е.Вудс, Р.О.Дуда, П.И.Харт, Р.А.Фишер, Ю.И.Журавлев, В.И.Васильев, И.М.Журавель, В.А.Сойфер, Н.Г.Загоруйко, В.Н.Вапник, Л.Шапиро, Дж.Стокман ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Ўзбекистонда тимсолларни таниб олиш ва тасвирларга ишлов беришнинг назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Комилов, С.С.Содиқов, Э.М.Алиев, Н.А.Игнатъев, Р.Т.Абдукаримов, Ш.Е.Туляганов, Н.М.Мирзаев, Ш.Х.Фозилов ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Ҳозирги кунда тасвирларга ишлов бериш илмий йўналишларидан бирига айланган видеокузатув тасвирларига ишлов бериш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар таҳлили кўрсатадики, видеокузатув вазифаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, видеомальумотларга ишлов бериш, уларда динамик объектларни ажратишнинг тезкор маънодаги усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдаги муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва ахборот технологиялари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №П.20.1 «Тасвирларни таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олиш усуллари, алгоритмлари ва компьютер тизимини ишлаб чиқиш» (2004-2008) ва Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-051 «Видеокузатув тизимида динамик объектлар видеотасвирини қайта ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзулардаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади видеокузатув тизимининг қўзғалмас видеокамера кузатув майдонида динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

видеокузатув тизимларида маълумотларни қайта ишлаш масалаларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

видеокузатувда динамик объектларни тезкор аниқлаш усул ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

динамик объектларнинг тасвирлари сифатини ошириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

таклиф этилган алгоритмларнинг ишлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида уларни тажрибавий текшириш;

динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш дастурий воситасини ишлаб чиқиш ва амалий масалаларни ечишда татбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қўзғалмас видеокузатув камераси ёрдамида олинаётган ёки ташқи хотирада сақланган тасвирлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети видеокузатувдаги динамик объектларни аниқлаш, ажратиш ва таниб олишнинг усул ва алгоритмларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнининг назарий тадқиқотларида тизимли таҳлил, дискрет математика, математик статистика, тасвирларни қайта ишлаш ва тимсолларни таниб олиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

видеокузатув сахнасида дискрет кузатувчи чизиқлар орқали динамик объектларни тезкор аниқлашнинг усули, модели ва алгоритми ишлаб чиқилган;

бинар тасвирда объектнинг контурини ифодалаш учун муҳим белгилар алфавити ишлаб чиқилган;

муҳим белгилар алфавитидан фойдаланиб контур чизиқлари орқали динамик объектларни ажратиш алгоритми ишлаб чиқилган;

динамик объектнинг бузилган (суркалган) тасвири сифатини оширишнинг Винер филътрига асосланган алгоритм такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

видеокузатув тизими қўзғалмас камерасидан олинган видеоёзувларда динамик объектларни ажратиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришга мўлжалланган «VideoTahlil» дастури ишлаб чиқилган;

тасвирларда ҳаракатдаги рангли маркерни ажратиш асосида компьютерни web-камера орқали масофадан бошқаришга мўлжалланган «Camera-Kursor» дастури ишлаб чиқилган;

видеоёзув кадрларида динамик объектнинг бузилган тасвирини қайта тиклаш учун «Tasvirni Tiklash» дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасвирларни қайта ишлаш ва тимсолларни таниб олиш математик аппаратининг тўғри қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқилган

алгоритмларнинг амалий тадқиқлари ва тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасвирлардаги динамик объектларни тезкор аниқлаш ва ажратиш олиш ҳамда муҳим белгилар асосида бу объектларнинг ўхшашлигини баҳолашда таклиф этилган алгоритмлар видеокузатув тизими тасвирларини қайта ишлаш технологияларининг назарий асосларини истиқболли ривожлантириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий таъминотнинг видеокузатув тизимларида қўлланилиши видеоёзувлардаги динамик объектларни аниқлаш жараёнини автоматлаштиришга қўмаклашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қўзғалмас видеокамера кузатув майдони тасвирларида динамик объектларни аниқлаш, ажратиш, кидириш ва тасвир сифатини яхшилаш усул, алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари асосида:

видеокузатув тасвирларига дастлабки ишлов бериш ва динамик объектларни ажратишнинг усул, модел ва алгоритмлар бўйича яратилган «VideoTahlil» ва «Tasvirni Tiklash» дастурий воситаларга «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 9 октябрдаги хулосаси). Натижада, видеотасвирни қайта ишлашда видеоёзувдан динамик объектларни аниқлайди, уларнинг тасвирларини ажратиш олади ва уларни маълумотлар базасига ёзиб боради;

видеокузатув тизимлари видеотасвирларидан динамик объектлар тасвирларини ажратиш ва маълумотлар базасини қуриш алгоритми ва дастурий воситаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Тадқиқотчилар турар жойи» шўъба корхонаси биносининг ички ва ташқи ҳудудидаги видеокузатув тизимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 33-8/2704-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида реал вақтда кузатув майдонидаги динамик объектларни ажратиш олиш, видео ҳақида маълумотларни олиш, динамик объектлар тасвирлари маълумотлар базасини қуриш орқали маълумотларни сақлаш, ташқи хотирада видеоёзув ҳажмидан кўра 5-6 баробаргача қисқартириш ва динамик объектларни кидириш имконини берган;

видеотасвирда динамик объектнинг бузилган (суркалган) тасвирини қайта тиклаш алгоритм ва дастурий воситаси Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси «Эксперт криминалистика» бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 33-8/2704-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида далилий-ашёвий тасвирларни криминалистик экспертиза қилиш жараёнида тасвир сифатини 60%га ошириш ва экспертизалар вақтини 1,4 баробарга қисқартириш имконини берган;

кўпканалли видеокузатув тизимлари видеотасвирларидан динамик объектлар тасвирларини ажратиш, маълумотлар базасини қуриш, динамик объект тасвирини қидириш ва динамик объектнинг бузилган (суркалган) тасвирини қайта тиклаш алгоритмлари ҳамда уларнинг дастурий воситалари Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Компьютер хизмат марказига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 33-8/2704-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида видеокузатув тизими видеотасвирини таҳлил қилишда динамик объектлар тасвирларини сақлаш ҳажмини 6-10 баробаргача камайтириш, таниб олиш мавҳум бўлган тасвирларни криминалистик экспертиза қилиш жараёнини 2 баробарга қисқартириш ва таниб олиш аниқлигини 60%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 40 та илмий иш чоп этилган. Улардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналлар нашриётларида, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида, шу билан бирга 3 та бошқа хорижий ва 2 та республика журналларида нашр қилинган. 5 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларга гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Мақсад ва вазифалар белгилаб олинган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалда жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Динамик объектлар видеотасвирларини қайта ишлаш муаммолари**» бобида видеокузатув тизимини қўллашда юзага келадиган масалалар ва муаммолар қаралган, тасвирларга рақамли ишлов беришнинг мавжуд усуллари таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

1.1-параграфда видеокузатув тизимларида тасвирларни қайта ишлаш масалаларининг таҳлилий натижалари келтирилган. Визуаллаштиришнинг оптик тизимлари, айнан, ҳаракатни бошқарувчи тизимларда (роботлар); видеокузатув тизимларда (детекторлар); фаолликни аниқлайдиган тизимларда

(фаоллик детектори); стационар объектни танувчи тизимларда (классификаторлар) қаралган.

1.2-параграфда видеокузатув тизимларида тасвирларни қайта ишлаш усуллари, кетма-кет рақамли тасвирларнинг ҳосил қилиниши, турли халақитларнинг тавсифлари, шунингдек, уларни бартараф қилиш усуллари қаралган, тасвирлар сифатини ошириш ва контурларини аниқлашда 3×3 ниқобли филтрлашларни қўллаш натижалари келтирилган.

1.3-параграфда кўзғалмас камера кузатув майдонида динамик объектларни аниқлаш ва ажратишнинг усул ва алгоритмлари ҳамда компьютерли кўришни амалга оширишнинг босқичлари қаралган. Тасвирларда динамик объектларни аниқлашнинг кадрлараро фарқни ҳисоблаш, кадрлараро корреляцион таҳлил, блокли градиентли қидириш ва эҳтимолларни ҳисоблашга асосланган усулларнинг таҳлиллари келтирилган. Тасвирларда объектларнинг статистик ва тузилмавий белгилари хусусиятлари ҳамда уларни аниқлаш усуллари қаралган.

Видеокузатув тизими масалалари таҳлилидан келиб чиқиб тадқиқотнинг мақсади ва масалалари шакллантирилган. Масаланинг қўйилишида асосий эътибор катта ҳажмли тасвирлар кетма-кетлигидаги динамик объектларни аниқлашнинг тезкор усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тасвирлар кетма-кетлигида динамик объектларни ажратиш моделлари**» боби динамик объектларни сегментлаш ҳамда идентификациялаш усул ва алгоритмларига бағишланган.

2.1-параграфда тасвирлардаги динамик объектларни аниқлаш модели қурилган. Тасвирларда динамик объектларни аниқлашда кадрлараро фарқларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилган. Бирор h қадам билан $f(i, j, n)$ ва $f(i, j, n - h)$ кадрларнинг тасвирлари фарқларини ҳисоблаш орқали олинган бинар ниқобларни аниқлаш моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A^1(i, j, n) = \begin{cases} 1, & \text{агар } |f(i, j, n) - f(i, j, n - h)| > p; \\ 0, & \text{агар } |f(i, j, n) - f(i, j, n - h)| \leq p, \end{cases}$$

$$A^0(i, j, n) = \begin{cases} 0, & \text{агар } |f(i, j, n) - f(i, j, n - h)| > p; \\ 1, & \text{агар } |f(i, j, n) - f(i, j, n - h)| \leq p. \end{cases}$$

бунда, $n \in N$, $(i, j) \in \mathfrak{R}$, n – видеотасвирда кадрлар рақами, N – кузатувдаги кадрлар сони, $\mathfrak{R} = \{i, j : i = \overline{1, N_x}, j = \overline{1, N_y}\}$ – кадрлардаги нуқталар тўплами, N_x ва N_y – кадр тасвири ўлчами, p – ўзгаришларга сезгирлик бўсағаси бўлиб, у оператор томонидан танланади. Ушбу бинар ниқоблардан фойдаланиб, тасвирларда динамик объектлар ва фоннинг моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$O(i, j, n) = f(i, j, n) \otimes A^1(i, j, n); \quad P(i, j, n) = f(i, j, n) \otimes A^0(i, j, n),$$

бунда, \otimes - Адамар кўпайтмаси, $O(i, j, n)$ – кадрлардаги динамик объектлар ва $P(i, j, n)$ – фондаги пикселлар гуруҳларидир.

Умумий ҳолда, динамик объект ва фон билан аниқланадиган видеотасвирнинг математик моделини


$$M(i,j,n) = Q(i,j,n) \otimes [O(i,j,n) + P(i,j,n)] + R(i,j,n)$$

кўринишида ифодалаш мумкин, бунда $M(i,j,n)$ – ҳаракат (динамика) кузатилаётган тасвирлар, $Q(i,j,n)$ ва $R(i,j,n)$ – мос равишда ёзув қурилмасидаги мультипликатив ва аддитив ҳалақитлар.

2.2-параграфда видеокузатув кузатув майдонида динамик объектларни тезкор аниқлашнинг кузатувчи дискрет чизиқлар усули таклиф этилган. Ушбу усул интенсив ҳаракатлар ҳудудидан олинган катта ҳажмли тасвирлар кетма-кетлигида ҳаракатдаги объектларни аниқлашда ҳисоблашлар сарфини сезиларли камайтириш имконини беради. Кузатув майдонида k та кузатувчи дискрет чизиқлар (КДЧ) қўйиб чиқилади (1-расм). Қаралаётган

$$L_k = \{(x_k, y_k | x_k \in X_k, y_k \in Y_k, \}$$

чизиқларнинг ҳар бир чизиқларида жойлашган нуқталарнинг координатлари тўплами шакллантирилади. Визуал дискрет чизиқлар орқали ҳаракатдаги объектларни аниқлаш учун $G_k = L_k \cap G_t(x, y)$ формула берилади, бунда k – КДЧлар сони, $G_t(x, y)$ – вақтнинг t momentiда видеокадр тасвири.



1-расм. Визуал КДЧ: эгри (а), тўғри чизиқли (б) ва дискрет чизиқларнинг ифодаланиши (в)

Умумий ҳолда $G_t = (L_1 \cup L_2 \cup \dots \cup L_k) \cap G_t(x, y)$, бунда, G_t – тасвирларда ҳаракатдаги объектни аниқлашда қатнашадиган пикселлар тўплами, $L_i \cap L_j = \emptyset, i \neq j$.

2.3-параграфда кузатув майдонидаги динамик объектларни аниқлашнинг қўйидаги кўринишда амалга ошириладиган алгоритми таклиф қилинган.

1-қадам. $f(x, y, i) \in V$ таянч кадр $i=0$ рақам билан олинади, кейинги кадрларни танлаш учун h қадам ва δ сезгирлик бўсаға берилади;

2-қадам. $i = i + h$ ўзлаштириш бажарилади;

3-қадам. Кейинги кадр $f(x, y, i)$ олинади;

4-қадам. Кадрлараро абсолют фарқлар йиғиндиси ҳисобланади:

$$D_i = \sum_{x, y \in \mathbb{R}} |f(x, y, 0) - f(x, y, i)|.$$

5-қадам. Агар $D_i < p$ шарт бажарилса, у ҳолда 2-қадамга ўтилади;

6-қадам. Динамик объектга тегишли пикселлар аниқланади:


$$D(x, y, i) = \begin{cases} 1, & \text{агар } |f(x, y, 0) - f(x, y, i)| > p; \\ 0, & \text{агар } |f(x, y, 0) - f(x, y, i)| \leq p. \end{cases}$$

7-қадам. $D(x, y, i)$ тасвирда боғлиқ нуқталар оғирлик маркази координаталари аниқланади.

8-қадам. Тамом.

Барча пикселлар бўйича ишлаш алгоритмлари ушбу алгоритмдан $(N - L) \cdot M$ та ортиқ ҳисоблашларни амалга оширади. Бироқ, таклиф этилаётган алгоритмда ҳаракатдаги объектлар тўлалигича таҳлил қилинмайди.

Динамик объектларни аниқлаш учун таклиф қилинган алгоритмни амалга ошириш натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Визуал КДЧ усулида ҳаракатдаги объектларни аниқлаш натижаси: а) K -кадр ва визуал КДЧ; б) КДЧ ниқоби; в) алоҳида объектлари турли рангларда берилган K ва $K+h$ кадрларнинг биргаликда тасвири

2.4-параграфда динамик объектнинг бузилган (суркалган) тасвирини тиклаш алгоритми таклиф қилинган. Ушбу алгоритм қуйидаги қадамлардан иборат.

1-қадам. Динамик объектнинг $O_0(x, y)$ тасвирини нормаллаштириш орқали $O_1(x, y)$ тасвир шакллантирилади.

2-қадам. Тескари конволюция ядроси параметрлари(диаметр, бурчак ва сигнал/халақит муносабати)га қийматлар берилади.

3-қадам. $O_1(x, y)$ тасвирда диаметр қиймати бўйича Винер филътрини қўллаб $O_2(x, y)$ тасвир шакллантирилади.

4-қадам. $O_2(x, y)$ тасвирда Фурье алмаштиришини қўллаш йўли билан $O_3(x, y)$ тасвир шакллантирилади..

5-қадам. Нуқталар тақсимот функцияси ядроси шакллантирилади ва $O_3(x, y)$ тасвирда тескари конволюция амали орқали $O_4(x, y)$ тасвир ҳосил қилинади.


6-қадам. $O_4(x, y)$ тасвирда дискрет Фурье алмаштириши ва инверсли филътрини қўллаб $O_5(x, y)$ тасвир ҳосил қилинади.

7-қадам. $O_5(x, y)$ тасвирда тескари дискрет Фурье алмаштириши ва бурчак параметрида нуқталар тақсимот функцияси ядроси билан конволюция қўлланилиб $O_6(x, y)$ тасвир шакллантирилади.

8-қадам. Агар $O_6(x, y)$ тасвир олдиндан сифатга берилган талабни қониқтирмаса, у ҳолда 2-қадамга ўтиш амалга оширилади.

9-қадам. Тамом.

3-расмда ушбу алгоритмнинг динамик объектнинг бузилган тасвири сифатини ошириш учун қўлланилиш натижаси келтирилган, бунда филтър ядросининг қуйидаги параметрлари танлаб олинган: диаметр – 17, бурчак – 0° , сигнал/халақит муносабати – 17.



3-расм. Динамик объект тасвирини тиклаш натижаси: дастлабки тасвир ва тикланган тасвир

Учинчи «**Динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш алгоритмлари**» бобида видеокузатув тизимида динамик объект тасвирларига талаблар шакллантирилган, динамик объектларнинг ҳолатлари бўйича таснифлашлар, бу объектларда локал белгиларни ажратиш ҳамда динамик объектни кузатиш ва траекториясини куриш алгоритмлари келтирилади.

3.1-параграфда тажрибавий тадқиқотлар асосида видеокузатув тизими динамик объектлари тасвирларига талаблар тузилган. Кузатув майдони ҳамда динамик объектни таниб олиш учун, ушбу параграфда камера объективаларининг мақбулини танлаш, камерани ўрнатиш жойини танлаш (баландлик, бурилиш ва/ёки эгилиш бурчаклари), зарурият бўлганда қўшимча ёритиш мосламаларини танлаш масалалари қаралган. Юриб келаётган одамнинг фронтал тасвирини таниб олиш учун унда дастлаб Штратц схемаси бўйича одам бошининг танаси билан пропорцияси бўйича мумкин бўлган пикселлар кўламчилиги аниқланади. Масалан, тасвирда одам юз тасвири баландлиги $d_{\min}=56,7$ бўлиши учун, тасвирда одам бўйи $h_0/8 \approx 56,7 \Rightarrow 454$ ёки $h_0/10 \approx 56,7 \Rightarrow 567$ пиксел бўлиши аниқланди.

Автотранспортни давлат рақам белгиси (ДРБ) орқали идентификациялашда эса ДРБ тасвирининг яроқлилик мезони таклиф қилинган. Ушбу мезон ДРБлар учун SM 122:2014 стандартини қўллашга асосланган бўлиб, унга кўра автотранспорт типлари ва ДРБ ўлчамларига нисбати қуйидаги пропорциялар ўринли бўлади

$$\frac{h_{mm}}{w_{mm}} = \frac{h_p}{w_p} \Rightarrow w_p = h_p \cdot \frac{w_{mm}}{h_{mm}}; \quad (1)$$

$$\frac{W_{пл}}{W_a} = \frac{w_p}{w_a} \Rightarrow W_a = W_{пл} \cdot \frac{w_p}{W_{пл}}; \quad (2)$$

бунда, h_{mm} ва h_p – ДРБ пластинасининг мос равишда миллиметр ва пикселлардаги баландлиги, w_{mm} ва w_p – ДРБ пластинасининг мос равишда миллиметр ва пикселлардаги кенглиги, $W_{пл}$ – ДРБ пластинасининг стандарт бўйича миллиметрдаги реал кенглиги, W_a – автотранспортнинг миллиметраги

реал кенглиги, w_a – ажратилган автотранспорт тасвирининг пикселлардаги кенглиги.

(1) ва (2) муносабатлардан ДРБни таниб олишда тасвирнинг ярқилик мезони $w_r \geq w_a$ тенгсизлик билан аниқланиши келиб чиқади. Яъни, агар автотранспортнинг жорий тасвири кенглиги автотранспорт тасвири кенглигидан катта ёки тенг бўлса, у ҳолда аниқланган жорий автотранспорт тасвири ДРБ тасвирини таниб олишда ярқили ҳисобланади. Ушбу мезоннинг қўлланилиши натижасида, яъни ярқили бўлмаган ДРБ тасвирини таниб олишга модулига бермаслик эвазига динамик объект(одам ёки автотранспорт)ни таниб олиш вақтини 8-10%га қисқартирди.

3.2-параграфда динамик объектларни учта асосий гуруҳларга таснифлаш амалга оширилган. Биринчи гуруҳга динамик текстуралли объектлар (ДТО), иккинчига ҳаракатдаги динамик объектлар (ХДО) ва учинчига аномал динамик объектлар (АДО) киритилган. ДТО ўзида масштабни ёки тузилмавий ўзгарувчи ҳаракатсиз объектларни ифодалайди. ХДО эса ўзида чизиқли ёки чизиқсиз ҳаракат траекториясини ҳосил қилувчи динамик объектларни ифодалайди. АДО ўзида кузатув майдонида тасодифан пайдо бўладиган статик ёки динамик объектларни тасвирлайди.

Агар G_0 – кузатув майдонига кириб келаётган динамик объектнинг бошланғич тимсоли, $G=S(P)$ эса кузатув майдонининг модели бўлса, у ҳолда динамик объект тимсоли белгиларининг P вектори бўйича G_0 тимсолнинг динамик объект тасвирига яқинлигини тавсифлайдиган $D(G_0, S(p))$ скаляр функцияни қуриш мумкин. Ушбу функциянинг глобал минимумини белгиларнинг P векторларига нисбатан топиш орқали динамик объектларни таснифлаш масаласа ҳал қилинган.

3.3-параграфда тасвирларда аниқланган динамик объектларларни локал белгилари орқали таниб олиш масаласи учун тасвирда бирор соҳани ажратиш ва унда объектларни сегментлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм автотранспорт тасвирида ДРБ символларини ажратиш мисолида баён қилинган. Алгоритмнинг босқичлари қуйидагича:

1-қadam. Олинган $I(x, y)$ тасвир автоматик аниқланадиган δ бўсага орқали бинар тасвирга ўтказилади:

$$B(x, y) = \begin{cases} 0, & \text{агар } I(x, y) < \delta; \\ 1, & \text{акс ҳолда.} \end{cases}$$

2-қadam. Ҳосил қилинган $B(x, y)$ тасвирда узилишлар учун 4×4 ойнада P тузилмали морфологик амал бажарилади, $B_o = B \circ P$.

3-қadam. B_o тасвирда ранг ўрин алмаштирилиши (инверсия) бажарилади


$$B_{inv}(x, y) = \begin{cases} 0, & \text{агар } B_o(x, y) = 1; \\ 1, & \text{акс ҳолда.} \end{cases}$$

4-қadam. $B_{inv}(x, y)$ тасвирда скелетлаш амалга оширилади;

5-қadam. Скелетлаш натижасида олинган контурларни таҳлил қилиш орқали ДРБ символларини ажратувчи тўғрибурчаклар координаталари аниқланади.

6-қadam. Тамом.

Ушбу ДРБ символларини сегментлаш алгоритмини амалга ошириш орқали олинган натижалар 4-расмда келтирилган.




4-расм. ДРБ символларини сегментлаш натижаси:

- а) дастлабки тасвир, б) бинаризациялаш босқичида олинган тасвир,
- в) узилишларга морфологик ишлов бериш, г) инверсиялаш,
- д) скелетлаш, е) символларни сегментлаш.

Алгоритм учун ДРБнинг бошланғич тасвир тўғриланган ва бир хил ўлчамга келтирилган кулранг тасвир бўлади. Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, ушбу алгоритм ДРБ тасвиридаги символларни етарли аниқликда сегментлайди.


3.4-параграф кадрларда динамик объектларни объект тасвиридаги контурларни таҳлил қилиш асосида ажратиб олиш масаласига бағишланган. Объект тасвирини контурли тавсифлашни векторлаш учун 3x3 ниқобда турли комбинациялар билан ҳосил қилинган муҳим белгилар алфавити курилади (5-расм).



5-расм. Контурли бинар тасвирларни тавсифлашда муҳим белгилар алфавити


6-расмдан кўринадики, A ва B объектлар қуйидаги векторлар кўринишида тақдим этилади: $A=(l_{28}, l_{01}, l_{01}, l_{??}, l_{05}, l_{27}, l_{03}, l_{22}, l_{??}, l_{19})$;
 $B=(l_{06}, l_{01}, l_{09}, l_{49}, l_{05}, l_{??}, l_{02}, l_{23}, l_{??}, l_{30})$.

Тасвирларда объектларни таниб олишда ўрганилаётган кадрдаги мавжуд муҳим белгиларнинг SURF алгоритмида қурилган дескрипторлари орқали



6-расм. $A(a)$ ва $B(b)$ контурли объектларни векторлаш мисоли

объектлар тасвирларининг ўхшашлик коэффициентлари максимумларини ҳисобловчи такомиллаштирилган алгоритм таклиф қилинган (7,8-расмлар).



7-расм. Объект (a) ва кузатув майдони (b) тасвирларида «муҳим белгилар»ни ўқитиш натижаси




8-расм. Танланган объектни қарётган кадрдан топиш натижаси

Тўртинчи «Динамик объектларни аниқлаш, ажратиш дастурий таъминоти ва амалий масалаларни ечиш» бобда ишда таклиф қилинган алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурлар тавсифлари ҳамда бу

дастурларнинг тажрибавий текширишлар ва амалий татбиқлари натижалари келтирилган.

4.1-параграфда қўзғалмас видеокамера кузатув майдонидаги динамик объектлар тасвирларини аниқлаш, ажратиш ва маълумотлар базасига ёзишга мўлжалланган «VideoTahlil» дастури тавсифи кўрсатилган.

Мазкур дастурнинг функционал схемасига (9-расм) кўра видеотасвирни қайта ишлашда видеоёзувлардаги динамик объектларни топиш ва ажратиш олиш ҳамда уларни маълумотлар базасига ёзиш амалга оширилади.



9-расм. «VideoTahlil» дастурининг функционал тузилмаси

Архивда видео файл номини ёзилган санаси бўйича танлаш, динамик объект тасвирини ва унга мос маълумотларни (кадр ўлчами, видео формати, вақт, топилган объектлар сони, ва бу объектларнинг хотирада эгаллаган ҳажми) кўриш мумкин.

Дастур видеотасвирни, кирувчи тасвирлар кетма-кетлигини ҳосил қилиш ва тасвирларга ишлов бериш икки хил тартибда амалга ошириш имконини

беради. Биринчи тартиб – бу тасвирларни бевосита камералардан олиш, иккинчи тартиб эса – ташқи хотирада сақланувчи видео файлдан ўқиб олишдир.

Бундан ташқари, 4.1-параграфда тасвирларда ҳаракатдаги рангли маркерни ажратиш процедураси асосида web-камера орқали компьютерни масофадан бошқари учун мўлжалланган «Kamera-Kursor» дастури ҳамда фото-ёки видеокамералар қисқа силкинишида суркалган ёки фокуси бузилган тасвирлар сифатини яхшилашга мўлжалланган «Tasvirni Tiklash» дастурлари тавсифлари келтирилган. «Tasvirni Tiklash» дастури ёрдамида тескари фильтр ядроси параметрлари аниқланади, шу билан бирга, ядро филтрининг диаметр, буриш, сигнал/халақит муносабати каби параметрларини ўзгартириш орқали тасвир сифатини тиклаш амалга оширилади. Дастлабки тасвир, фильтр ядроси ва дастур натижаси алоҳида ойналарда тасвирланди.

4.2-параграфда ишда таклиф қилинган динамик объектларни аниқлаш ва муҳим белгилар алфавитидан фойдаланиб, динамик объектларни контурлари бўйича ажратиш алгоритмларнинг тажрибавий текширишлар натижалари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Алгоритмларнинг ишлаш тезлиги, с.

Қаралган масалалар	A_1 алгоритм	A_2 алгоритм
Фонни аниқлаш	0.86	10.72
Динамик объектни аниқлаш	0.24	0.62
Ҳаракатни аниқлаш	0.16	0.7

1-жадвалда алгоритмларнинг ишлаш тезлиги солиштирма натижалари келтирилган, A_1 сифатида КДЧ қўлланилган алгоритм, A_2 билан эса кадрлараро фарқлаш усули асосланган барча пикселли таҳлил алгоритми белгиланган. Тажриба ўтказишда қаралаётган кадрларда фонни аниқлаш, бу кадрларда динамик объектларни топиш ва ҳаракатни (динамик объектнинг ҳаракат белгилари) аниқлаш масаласи ечилган.

2-жадвалда турли сондаги ҳаракатдаги динамик объектлари мавжуд бир нечта видеотасвирларни таҳлил қилиш асосида A_1 ва A_2 алгоритмларнинг сонли баҳоларининг қиёсий натижалари келтирилган.

2-жадвал.

A_1 ва A_2 алгоритмларнинг иш унумдорлиги кўрсаткичлари

№	Вақти	Видеофайл			A_1 алгоритм			A_2 Алгоритм		
		Кадрлар сони	Кадр ўлчами	Объектлар сони	R	P	F1	R	P	F1
1.	0:00:20	607	1152x720	27	96	67	79	100	28	44
2.	0:01:33	2801	1152x720	182	96	74	84	98	42	59
3.	0:20:30	30752	704x576	628	98	94	96	96	10	18
4.	0:10:00	15001	352x288	189	95	91	93	99	37	54

Бу алгоритмларни қиёслаш учун R -тўлиқлик (Recall), P -аниқлик (Precision) ва сифатни аниқловчи F -ўлчов ($F1$) каби кўрсаткичлардан фодаланилди, улар қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$R = \frac{TP}{TP+FN}; P = \frac{TP}{TP+FP}; F1 = 2 \cdot \frac{P \cdot R}{P+R},$$

бунда, бунда TP – тўғри аниқланган объектлар сони, FN – кузатув майдонидаги аниқланмаган объектлар сони, FP – кузатув майдонида нотўғри аниқланган (бирор шаклга эга бўлмаган) объектларнинг умумий сони.

2-жадвалдан кўринадики, A_1 алгоритмнинг сифат кўрсаткичлари A_2 алгоритмнинг аналогик кўрсаткичларидан ошган. Бундан англанадики, A_2 алгоритм объект тасвири ёритилганлига жуда сезгир ва ёлғон ишлалар сони жуда кўп. Бундан ташқари, биринчи икки видеофайллардаги кўрсаткичларнинг нисбатан паст кўрсаткичлари сабаби, улардаги кузатув майдонлари ноқулай шароитлари билан изоҳланди.

4.3-параграфда мавжуд ва ишда таклиф қилинган алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий воситаларнинг амалиётга татбиқлари натижалари келтирилган. Бу дастурларнинг қўлланилиши архивда сақланувчи видеоёзувлар ҳажмини камайтириш, криминалистик экспертиза ўтказиш вақтини қисқартириш ва унинг натижалари аниқлигини ошириш имконини берган.

Иловада диссертация иши натижаларининг амалиётга қўлланилганлигини тасдиқловчи хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ учун яратилган дастурларни расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари келтирилган. Бундан ташқари, реал вақт масштабида видеотасвирда ҳаракатдаги объектларни аниқлаш ва таснифлаш модулининг тавсифлари ҳамда бузилган тасвирни тиклаш «Tasvirni Tiklash» дастурининг натижалари кўрсатилган.

ХУЛОСА

«Видеокузатув тизимларида динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш усул ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Видеокузатув майдонидаги интенсиф ҳаракатлар худудида ўрнатилган кузатувчи дискрет чизиқлар ёрдамида динамик объектларни тезкор аниқлаш модели, усули ва алгоритми ишлаб чиқилди. Таклиф қилинган алгоритм кадрлараро фарқларни ҳисоблаш усулига асосланган барча пикселлар бўйича ҳаракатдаги объектларни ажратувчи алгоритмдан кўра фонни аниқлаш, динамик объектни топиш ва ҳаракатни аниқлаш учун ҳисоблашлар ҳажмини сезиларли камайтириш имконини беради.

2. Тайинланган ўлчамдаги ниқобларда берилган муҳим белгилар алфавити таклиф қилинган. Ушбу белгилардан фойдаланиш бинар тасвирдаги объектларнинг контурларини векторли тавсифлаш ҳамда улар орқали

объектларни таниб олиш масаласини ечишни соддалаштириш имконини беради.

3. Видеоёзувлар кадрларида аниқланган объектлар контурларининг векторли тавсифларини таққослаш асосида динамик объектларни ажратиш алгоритми ишлаб чиқилган. Бу алгоритм қидирилаётган объектни адекват контурли тавсифловчи муҳим белгилар алфавитини қўллаш орқали таққослаш бўйича бошқа аналог алгоритмлардан кўра тасвирлардаги объектларни юқори аниқликда ажратиб олишга хизмат қилади.

4. Динамик объектнинг бузилган тасвирини тиклашнинг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган. Алгоритмнинг қўлланилиши объект тасвири сифатини ошириш ва таниб олиш аниқлигини оширишга хизмат қилади.

5. Тажрибалар кўрсатдики, динамик объектларни таклиф қилинган кузатувчи дискрет чизиқларни қўллаш алгоритми орқали аниқлашни кадрлараро фарқларни ҳисоблаш усули бўйича тасвирларни пикселли таққослашга асосланган алгоритмда аниқлаш билан таққосланганда, фонни аниқлаш, динамик объектни аниқлаш ва унинг ҳаракат траекториясини қуриш масалаларини ечиш учун тезкор ишлаш устунлигини беради.

6. Динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш бўйича мавжуд ва таклиф қилинган алгоритмлар асосида видеоёзув кадрларида объектларни қидириш учун муҳим белгилар танланмаси шакллантирилди, видеотасвирда динамик объектни аниқловчи дастурий воситалар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, бу дастур аниқланган динамик объектлар ва уларга мос (кадр ўлчами, видео формати, вақт, топилган объектлар сони, ва бу объектларнинг хотирада эгаллаган ҳажми) маълумотларни архивга олиш имконини беради.

7. Ишлаб чиқилган дастурларни татбиқ этишда – бир каналли видеокузатув тизимидаги видеоёзувларда динамик объектлар тасвирларини аниқлаш ва ажратиш, видеоёзувда тасвир бўлагини автоматик қидириш, кузатув майдонида ҳаракатдаги объект координаталарини аниқлаш, криминалистик экспертиза ўтказишда далилий-ашёвий бузилган тасвирларни тиклаш каби бир қатор амалий масалаларни ечишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, диссертация тадқиқотлари натижасида видеокузатув тизимларини истиқболли ривожлантириш билан боғлиқ кейинги тадқиқотларни олиб бориш мақсадида бир қатор муаммоларни тузиш мумкин:

мураккаб фонда динамик объектларни аниқлаш;

кўп каналли видеокузатув тизимларидан олинган видеёзувларда динамик объектлар тасвирларини қайта ишлаш;

назорат объектларининг турли нуқталарида ўрнатилган видеокузатув камералари 2D саҳналарини бирлаштириш орқали, назорат қилинаётган объектнинг панораммали тасвирларини тақдим этишнинг 3D моделини қуриш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

МАМАРАУФОВ ОДИЛ АБДИХАМИТОВИЧ

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ОБРАБОТКИ ИЗОБРАЖЕНИЙ
ДИНАМИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ В СИСТЕМАХ
ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ**

05.01.03 – Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.4.PhD/T507.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Фазылов Шавкат Хайруллаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кабулов Анвар Васильевич**
доктор технических наук, профессор

Мирзамов Акмал Махмуджанович
кандидат технических наук

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится « 22 » декабря 2018 г. В **11-00** часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108.Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № **2563**). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871)238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « 7 » декабря 2018 года.
(протокол рассылки № 14 от « 16 » ноября 2018 г.).



Р.Х.Хамдамов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

О.Ж.Бабомурадов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется задачам компьютерного анализа и обработки изображений, распознавания образов, а также практическому применению результатов решения этих задач. Эксперты в области систем видеонаблюдения считают, что «после 12 минут непрерывного видеонаблюдения вне поля внимания оператора оказываются до 45% активных объектов на сцене, а после 22 минут просмотра – до 95%»¹. В связи с этим особое внимание уделяется разработке новых методов и алгоритмов автоматизированной обработки изображений динамических объектов и усовершенствованию существующих систем видеонаблюдения. Во многих зарубежных странах, в том числе в США, Канаде, Англии, Германии, Франции, Японии, Китае, Российской Федерации и других стран, решение проблем разработки интеллектуальных систем видеонаблюдения, используя модели сравнения изображений, определения важных признаков объектов и машинного обучения, имеет большое значение.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на усовершенствование моделей и алгоритмов автоматизированной обработки изображений в системах видеонаблюдения, а также создание алгоритмов обработки изображений динамических объектов. В этой связи, важной задачей является разработка современных методов, обеспечивающих возможность обработки изображений, выделения, распознавания и наблюдения динамических объектов, понимания ситуаций, возникающих в поле наблюдения, а также создание на базе средств информационных технологий быстродействующих алгоритмов обработки изображений динамических объектов в системах видеонаблюдения.

В нашей Республике в этом направлении особое внимание уделяется созданию комплекса мер по разработке и практическому применению автоматизированных систем, предназначенных для хранения, обработки и интеллектуального анализа изображений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены задачи, в том числе «... безопасность дорожного движения, ... внедрение и использование передовых информационных и коммуникационных технологий, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и систему управления»². Решение этих вопросов, в частности, разработка методов и алгоритмов обработки и анализа изображений при мониторинге безопасности дорожного движения и широкомасштабного видеонаблюдения, а также усовершенствование автоматизированных систем видеонаблюдения, считается одной из важных задач.

¹ http://integrated-solutions.nl/DLB/CBC/Video_Analytics_CBC.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-1989 от 27 июня 2013 года “О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан”, №ПП-2158 от 3 апреля 2014 года “О мерах по дальнейшему внедрению информационно-коммуникационных технологий в реальном секторе экономики”, №ПП-2883 от 12 апреля 2017 года “Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов внутренних дел”, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросам разработки и совершенствованию методов сегментации, выделения признаков и распознавания объектов на изображениях посвящены труды зарубежных ученых Б.К. Хорна, Д.А. Форсайта, У.К. Прэтта, Р.С. Гонсалеса, Р.О. Дуда, П.И. Харта, Р.А. Фишера, Ю.И. Журавлева, В.И. Васильева, И.М. Журавела, В.А. Сойфера, Н.Г. Загоруйко, В.Н. Вапника, Дж. Стокмана и других.

В Узбекистане решению этих вопросов посвящены работы М.М. Камилова, С.С. Садыкова, Э.М. Алиева, Н.А. Игнатьева, Р.Т. Абдукаримова, Ш.Е. Туляганова, Н.М. Мирзаева, Ш.Х. Фазылова и других, внесших большой вклад в разработку теоретических основ распознавания образов и обработки изображений.

Анализ современного состояния исследований в области обработки данных видеонаблюдения, образующих одно из научных направлений обработки изображений, показывает, что разработка эффективных в смысле быстродействия методов и алгоритмов обработки видеоданных с учетом специфики задач видеонаблюдения, является одной из наиболее актуальных проблем в указанной области, которая до сих пор недостаточно изучена.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов плана научно-исследовательских работ Института математики и информационных технологий Академии наук Республики Узбекистан по теме №П.20.1 «Разработка алгоритмов и компьютерных систем для анализа изображений и распознавания образов» (2004-2008), Ташкентского университета информационных технологий по теме №А5-051 «Разработка алгоритмов и программного обеспечения для обработки

видеоизображений динамических объектов в системах видеонаблюдения» (2015-2017).

Целью исследования является разработка методов и алгоритмов обработки изображений динамических объектов, полученных с помощью неподвижной видеокамеры систем видеонаблюдения.

Задачи исследования:

анализ современного состояния проблемы обработки данных в системах видеонаблюдения;

разработка и алгоритмическая реализация метода быстрого обнаружения динамических объектов при видеонаблюдении;

разработка алгоритма улучшения качества изображений динамических объектов;

экспериментальное исследование предложенных алгоритмов на предмет оценки их работоспособности;

разработка программного обеспечения обработки изображений динамических объектов и его применение для решения практических задач.

Объектом исследования являются изображения, полученные с помощью неподвижной камеры видеонаблюдения или из внешней памяти.

Предмет исследования составляют методы и алгоритмы обнаружения, выделения и распознавания динамических объектов при видеонаблюдении.

Методы исследования. Теоретические исследования в работе базировались на методах системного анализа, дискретной математики, математической статистики, обработки изображений и распознавания образов.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

разработаны модель, метод и алгоритм быстрого обнаружения динамических объектов на сцене видеонаблюдения посредством дискретных наблюдательных линий;

разработан алфавит характерных признаков для описания контуров объекта на бинарном изображении;

разработан алгоритм выделения динамических объектов по контурам с использованием алфавита характерных признаков;

усовершенствован алгоритм повышения качества искаженного (смазанного) изображения динамического объекта, основанный на использовании фильтра Винера.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

разработана программа «VideoTahlil», предназначенная для выделения динамических объектов на видеозаписи, полученной с помощью неподвижной камеры системы видеонаблюдения, а также для формирования базы данных;

